

Тазкия дарслари (46-дарс). Умарнинг устида ўн икки ямоқли изорни кўрдим



15:10 / 18.08.2019 6537

Арабчада «хирқа», ўзбекчада «жанда» деб аталган ўзига хос кийим кийиш бир вақтлар сўфийлар орасида кенг тарқалган эди. Сўфийларнинг турли рангдаги ямоқлар солинган кийим кийиб, бошқалардан ажраб туришга уринишлари ҳаммага маълум бўлган.

Тасаввуфга оид адабиётларда «Фалончи пистончига сўфийлик хирқаси – жандасини кийгизди» деган иборалар ҳам тез-тез учраб туради.

Сўфийларнинг ўзлари бу ишнинг суннат эканлигини даъво қилишган ва гапларининг тўғрилигига далил сифатида бир неча ривоятларни ҳам келтирганлар:

– Имом Молик келтирган ривоятда Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Умар ибн Хаттобнинг Мадинанинг амири бўла туриб, икки елкаси орасида устма-уст ямоқ солиб олганини кўрдим».

– Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кавуш ва кийимларини ямашлари ҳақидаги ривоят.

– Оиша розияллоҳу анҳо оқ-қора ямоқлар солиб ўтирганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалам у кишига: «То ямоқ солмагунингча, кийимни алмаштира», деганлари.

– Али розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятни нақл қиладилар: «Ушбу кўйлагимни яматавериб, ямоқчидан ҳам уялиб кетдим. У менга: «Буни ташлаб юбор! Эшаги бор киши буни ўз эшагига ҳам раво кўрмайди», деди».

– Суфён Саврий розияллоҳу анҳу: «Умарнинг устида ўн икки ямоқли изорни кўрдим», деганлар.

– Баъзи бир аҳли тариқатлар жанда кийиш шахсдан шахсга бирма-бир ўтиб келаётган силсилага эга эканлигини айтадилар. Мисол тариқасида шайх Санусийнинг хирқанинг санади ҳақидаги қуйидаги гапларини келтирамиз:

«У киши хирқани Ҳасан Басрийнинг қўлларидан кийганлар. У киши эса амирул мўминин Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳунинг қўлларидан кийганлар. У киши эса барча аввалгию охиригиларнинг саййиди Муҳаммад ан-Набий ал-Карим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларидан кийганлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалам эса хирқани Рухул аминнинг воситаси ила Роббул оламиндан кийганлар».

Аmmo бу хилдаги гапларга, хусусан, салафи солиҳнинг қасддан хирқа кийганларига ҳеч кимнинг тўғри санади йўқ. Аксинча, бошқа, бунга тескари маънодаги ишончли гаплар бор.

Имом Шаъроний шайх Нажмуддин Кубро раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қиладилар:

«Аҳли салафлар муриднинг кийимига ўша кийимнинг рангидан бошқа рангда шаръий ҳожатсиз ямоқ солишни макруҳ деганлар. Агар кийим йиртилиб кетса-ю, унинг рангидаги мато топилмаса, бошқа рангдаги ямоқ солса, майли. Салафи солиҳлар кийимларига фақатгина зарурат юзасидангина ямоқ солганлар. Улар ўзлари учун нодир ҳолатлардагина

ҳалолдан тўлиқ кийим топа олар эдилар. Шунинг учун улар ўз кийимларини турли рангдаги ҳалол мато билан ямар эдилар. Уларнинг ямоқ кийим кийишларининг сабаби шу».

Жамиятшунослик илмининг асосчиси, машҳур олим Абдурраҳмон Ибн Халдун:

«Али саҳобаларнинг ичида ўзига хос кийим ва ҳолат билан ажраб турмаган», деган.

Демак, хирқа кийиш ҳам, худди шатаҳотга ўхшаб, аҳли тасаввуф ичида маълум вақт ва шароитда тарқалиб, аста-секин йўқолиб кетган бир нарсадир.

Шунинг учун ҳам бугунги сўфийлар орасида хирқа кийганлари кўринмайди.

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан